Куч — адолатда

2012 йил,
11 май,
жума
№ 18 (375)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ИНСОН ХОТИРАСИ — БОҚИЙ, ҚАДР-ҚИММАТИ — УЛУҒ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намоён этиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, оловли майдонларда ўз юртининг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонлар мудом халқимиз ардоғида. Беаёв жангларда жон фидо қилган боболаримиз хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Бугун орамизда яшаётган 6 минг 600 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»**ги Фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари теран илдизларга эга.

Yangi qonun mohiyati

Оилавий тадбиркорлик

унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди

Шу боис ҳам мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга зарур шарт-шароит яратиш борасидаги чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ушбу соҳа бугунги кунда иқтисодиётимиз ривожида алоҳида ўрин тутиши билан бирга аҳоли бандлиги, унинг турмуш фаровонлигининг муҳим манбаига айланди. Соҳадаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари изчиллик билан такомиллаштирилиб, давр талабига кўра, бу борада янги қонунлар ҳам қабул қилинмоқда. Шу йил 27 апрелда кучга кирган **«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»**ги қонун шулардан бири бўлиб, унда оилавий тадбиркорликни юритишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Оилавий тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мазкур қонун орқали биринчи маротаба **«оилавий тадбиркорлик»** тушунчасига таъриф берилди ҳамда унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли аниқ белгиланди. Унга кўра, **оилавий тадбиркорлик — оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти** ҳисобланиб, у юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга оширилган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли «оилавий корхона» ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Оила муҳофазаси — мамлакат равнақи ва тараққиётининг гарови

Оила — ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини таъминловчи, миллий қадриятларни ривожлантирувчи, авлодлар умр риштасини мустаҳкамловчи, жамият ва ижтимоий муҳитдаги мувозонатни таъминловчи муқаддас даргоҳдир. Оила хотиржамлиги — юрт хотиржамлиги, Ватан тинчлиги демакдир.

Шу боис оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, миллий қадриятларни тиклаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Жамият ва давлатимизнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги, авваламбор, давлатимиз юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий чора-тадбирларнинг бош мақсади — инсон, оила манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Шу жиҳатдан олганда, ўтган йилларнинг «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Меҳр-мурувват йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Баркамол авлод йили» деб номланиши ўзига хос рамзий маънога эга. Бу йилларда амалга оширилган ва мунтазам давом эттирилаётган эзгу ва хайрли тадбирлар халқимиз манфаатига хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йилни **«Мустаҳкам оила йили»** деб эълон қилинганидан бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизда бу йил «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилни ҳаётимизда қарор топтиришда янги, юксак бир босқич бўлиши шубҳасиз.

Маълумки, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан кенг миқёсдаги амалий тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун 1 триллион 500 миллиард сўмга яқин ва 114 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этиши борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилани ҳақиқатан ҳам, мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантиришда хонадонларимизнинг чироғи, кўрки ва файзи бўлган аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири — фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашдир. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатда инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини ҳимоя қилиш, қонунларда буни кафолатлаш энг муҳим мезон саналади.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи

у қонун билан кафолатланган

Дарҳақиқат, амалдаги қонунларимизда ҳам ҳар бир инсоннинг эркин касб танлаши, меҳнат қилиши, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитлари бўлиши, ишсизликдан муҳофаза этилиши кафолатланган.

Айтиш керакки, жамиятда қонун устуворлигини қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали тарзда ҳимоя қилиш изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, меҳнат шартлари бевосита қонун ҳужжатлари билан, маҳаллий тартибда ва иш берувчи билан ходим ўртасидаги ўзаро келишувга асосан белгиланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Қонун билан белгиланган солиқ ва йиғимлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Уни вақтида адо этиш иқтисодиёт ривожига хизмат қилади.

Jinoyatga jazo muqarrar

Бурч ва масъулият

Солиқ кодексининг 34-моддасида солиқ тўловчининг мажбуриятлари баён этилган бўлиб, унга кўра, солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти — солиқ мажбурияти, деб эътироф этилади. Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уни давлат солиқ хизмати идораларига тақдим этиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

Булардан бўйин товлаш, албатта, ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Ўтган йили Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судларида солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаш жинояти бўйича ўн етти нафар шахсга нисбатан ўн учта иш кўриб чиқилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Маълумки, иқтисодиётимиз ривожида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш салмоқли ўрин эгаллайди. Шуни эътиборга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарори билан **«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»**ги Низом тасдиқланди. 2011 йил 30 июнда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ушбу Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Mezon

Мерос олишга ким ҳақли?

Васиятнома — фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродасидир.

Қонунда белгиланганидек, мол-мулкини васият қилиб қолдиришни мақсад қилган шахс васиятнома тузишда шахсан иштирок этади. Яъни васиятномани бирор-бир вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча молмулкини ёки унинг бир қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, меросхўрлар сирасига кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиш ҳуқуқига эга.

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Таъкидлаш лозимки, васият қилувчи истаган вақтда ўз васиятномасини бекор қилиши ёки ўзгартиришга ҳақли.

Масалан, даъвогар Александр Ибрагимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1982 йилдан буён Л.Петрова билан никоҳдан ўтмай бирга яшаб келгани, хотини 2002 йилда вафот этгани, шундан сўнг М.Иванова унга марҳума Л.Петрова уйни васият қилиб қолдирганини айтиб, ундан уйни бўшатишни талаб қилганини баён қилган. Даъвогар васиятномани ва васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи

у қонун билан кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Меҳнат шароитларининг ноқулайлиги, меҳнат шартларининг ўзгартирилиши, бекор қилиниши, ходимларга қонунда назарда тутилган кафолатларни бермаслик ва бошқа бир қатор объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра, ходим ва иш берувчи ўртасида ўзаро келишмовчилик — меҳнат низоси келиб чиқиши мумкин. Башарти, бу низо томонларнинг ўзаро келишуви билан бартараф этилмаса, унда у қонунда белгиланган ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳал қилинади.

Бош қомусимизнинг 44-моддасида ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган.

Меҳнат муносабатлари иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаларига асосан тартибга солинади. Ҳар бир инсонга меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жумладан, суд орқали амалга ошириш имкони берилган. Суднинг қонуний кучга кирган қарори мажбурий аҳамиятга эга бўлиб, у дарҳол ижро этилиши шарт.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратсак, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига М.Саидов ўрта таълим мактаби маъмуриятига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва моддий ҳамда маънавий зарар ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган. Суд томонидан ушбу даъво аризаси атрофлича кўриб чиқилди. Аниқланишича, М.Саидов билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишида унинг мутахассислиги тўғри келмаганлиги асос қилиб олинган. Лекин меҳнат шартномасини бекор қилиш касаба уюшма қўмитаси томонидан кўриб чиқилмаган ва бу ҳақда ходим огоҳлантирилмаган.

Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 101-моддасида **«Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиши»**, 102-модданинг 2-бандида **«меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра, бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилиниши»** белгиланган.

Суд ишдаги мавжуд ҳолатларни инобатга олиб, М.Саидовни ўрта таълим мактабига ишга тиклаш, бекор юрган кунлари учун 2.004.915 сўм иш ҳақи ва 400.983 сўм маънавий зарар ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига А.Мадраҳимова қишлоқ врачлик пунктига нисбатан буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва мукофот пули ҳамда маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида тиббиёт бирлашмаси томонидан даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимларни ишдан бўшатишни тартибга солувчи Меҳнат кодексининг 107- ва 108-моддалари талабларига риоя этилмагани аниқланди.

Шундан келиб чиқиб, туманлараро суди А.Мадраҳимованинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шу ўринда рақамларга эътибор қаратсак, 2011 йилда Наманган вилояти туманлараро судлари томонидан ишга тиклаш ҳақидаги ҳал қилув қарорларига асосан даъвогарларга 7.016.929 сўм моддий ва 1.377.628 сўм маънавий зарар ундириб берилган.

Маълумки, ҳар қандай субъектив ҳуқуқ, ўз навбатида, ижтимоий муносабат қатнашчиларидан қонун доирасида фаолият кўрсатишни талаб этиб, уларнинг зиммасига ҳам бир қатор мажбуриятларни юклайди. Мажбурият ҳуқуқи, аввало, ихтиёрий бажарилишни тақозо этади, башарти, у ихтиёрий равишда адо этилмаса, ҳуқуқ меъёрларига асосан мажбурий равишда амалга оширилади. Жумладан, ўтган йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти туманлараро судлари томонидан айни шу тоифадаги ишлар ҳам кўриб чиқилиб, даъвогарлар фойдасига 38.033.741 сўм моддий зарар ундириб берилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, меҳнат қонунчилиги меъёрлари нафақат ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлайди, балки уларнинг ҳам зиммасига муайян мажбурият юклаб, иш берувчининг манфаатларини ҳам ҳимоя қилади.

Шундай экан, бу борадаги меъёрларга қатъий амал қилиш меҳнат унумдорлиги ошиши, жамият равнақига хизмат қилади.

Абдурасул ЭРАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси



9-may — Xotira va qadrlash kuni

Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуғ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

9 май. Пойтахтимиздаги табаррук масканлардан бири — Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизда буюк тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 67 йиллиги нишонланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда халқимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимларни бажо келтирмоқда. Аввало ана шу аёвсиз урушда қатнашганлар, жанг майдонларидан қайтмаган барча юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугун сафимизда эсон-омон, бардам бўлиб, барчамизга маънавий мадад бериб, ибрат бўлаётган уруш қатнашчиларини чин қалбимдан табриклаш, уларга узоқ умр тилаб, ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Агар ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг бирортасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади.

Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидаги, қалбидаги мудҳиш уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди.

Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратгандан сўрайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган. Ушбу қадрият халқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб фазилатидир. Шунинг учун ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини биз катта байрам сифатида нишонлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати ҳар қанча вақт ўтсада, ҳеч қачон эскирмайди, унутилмайди.

Президентимиз бундай мудҳиш ва аёвсиз урушнинг яна такрорланмаслиги учун унинг олдини олиш, илдизи билан йўқ қилиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади. Қўшни Афғонистонда бундан 30 йил муқаддам бошланган нотинчликнинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Бу нафақат Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман минтақамизда яшаётган барча одамлар учун катта хавф-хатардир. Ўз юрти, оиласи, фарзандларининг келажагини ўйлайдиган ҳар бир инсонни бу ташвишга солиши табиий. Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бежизга айтилмаган, деди Ислом Каримов.

Бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Такрор айтишга тўғри келади: бундай таҳдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз башарасини очиб бериш бугунги замоннинг талаби.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз бундай офатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш йўлида яна бир муҳим масалага жамоатчилик эътиборини жалб қилиш зарурлигини қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз эришаётган, дунё тан олаётган марралар ҳақида сўз юритганда, уларга замин бўлган кўпгина сабабларни келтириш мумкин. Лекин халқимиз қўлга киритган бу натижаларнинг негизида турган асосий омил — буни бугун ҳеч кимга тушунтириб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман – мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барчабарча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизида аввало инсон омили мужассам. Истиқлолимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Тарихан шу қисқа даврда мустақил Ватанимизда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, инсон омили туфайли қўлга киритаётган ютуқларимизни бугун дунё тан олмоқда, кўплаб мамлакатлар бизга ҳавас билан қарамоқда. Яқинда пойтахтимизда энг муҳим соҳалар — соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманларда ҳам бу ўзининг яққол тасдиғини топди.

2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилганимизнинг замирида ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, оиласи, Ватани тақдирига дахлдор бўлиб яшаши каби эзгу мақсадлар мужассам, деди давлатимиз раҳбари.

Ана шундай омиллар туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топаётгани ҳаётимизда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш масалалари ҳақида тўхталар экан, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Чунки эртанги кун ёшлар қўлида. Ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби барчамиз учун ишончли манба ва муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода, бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш маросимининг маъно-мазмуни, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътиқод билан яшаши, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, деди Ислом Каримов.

Буларнинг барчаси бизнинг кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўшиши, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаши табиийдир.

Пировардида Президентимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталди.

Аввало дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур.

Айни вақтда миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўшиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак.

Биз доимо ўз имкониятларимиз, куч-қудратимизга таянибсуяниб яшаганмиз ва келажакда ҳам шундай бўлажак, албатта.

Биз ўз олдимизга ота-боболаримиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямаган улуғ мақсадни, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат қуриш вазифасини қўйганмиз.

Ана шу йўлда Яратгандан халқимизни, Ватанимизни ёмон кўзлардан сақлашда ўзи мададкор бўлишини сўраймиз. Биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз, деди Ислом Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу куни анвойи гулларга бурканди. Муаззам майдон оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

ЎзА

Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кези келганда шуни айтиш керакки, хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида уларнинг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Бугунги кунда адлия идоралари ходимлари ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида контрактация шартномалари тузиш жараёнида бевосита иштирок этмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида адлия идоралари томонидан фермер хўжаликлари билан тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги 460 мингдан ортиқ шартномаларни тузишда тарафларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Шундан пахта хомашёси харид қилиш бўйича 35 мингдан ортиқ, бошоқли дон харид қилиш бўйича 43 мингдан ортиқ, пилла хомашёси харид қилиш бўйича 42 мингдан зиёд, нефть маҳсулотлари ва минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича 79 мингдан ортиқ ва агротехника хизматлари кўрсатиш бўйича 40 мингдан ортиқ шартнома қонун талаблари доирасида тузилишига эришилди.

Албатта, қонуний тартибда тузилган шартнома тарафларнинг манфаати ҳимоясига хизмат қилади. Бироқ ҳаётда шартнома шартларига беписанд қарайдиган, бунинг оқибатида эса, ҳамкорининг манфаатига путур етказадиган хўжалик юритувчи субъектлар ҳам учраб туради. Айтиш керакки, адлия идоралари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида шартномалар бажарилишига оид 17 минг 689 та қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқлангани ҳам буни тасдиқлайди.

Албатта, адлия бошқармалари томонидан ушбу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли идораларга 671 та тақдимнома киритилди ва шунга асосан 475 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 32 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, шунингдек, 12 миллиард 112 миллион сўмдан ортиқ маблағ манфаатдор тарафларга қайтарилди.

Бундан ташқари жорий йилнинг ўтган даврида шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаган ҳолатлар бўйича судларга 17 миллиард 298 миллион сўмлик 3363 та даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво аризалари судлар томонидан кўриб чиқилиб, манфаатдор тарафларга 11 миллиард 891 миллион сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Масалан, Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Қизилтепа туманидаги «Зебинисо ҳаёт» фермер хўжалиги бошлиғи С.Ёдгоровнинг «Ишонч телефони»га қилган мурожаати ўрганиб чиқилганда, «Қизилтепа пахта тозалаш» ОАЖ томонидан шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмай, 2011 йил ҳосилидан топширилган пахта хомашёсининг 90 фоизлик қиймати ҳисобидан 10.370.700 сўм маблағ тўланмагани аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан «Қизилтепа пахта тозалаш» ОАЖдан 10.370.700 сўм асосий қарз, тўлов кечиктирилгани учун 1.244.484 сўм пеня ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги фойдасига асосий қарз ва пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, муайян мақсад билан тузиладиган шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши томонлар манфаатига хизмат қилади. Борди-ю, тарафлардан бири лоқайдлик ёки бепарволик билан ўз мажбуриятини бажармаса, бу бошқаларнинг манфаатларига путур етказади, деган сўз. Бинобарин, қонун шартнома шартларининг ўз вақтида, келишилганидек адо этилишини тақозо этади. Қонуний фаолият эса, доимо муваффақиятлар гаровидир

А.ТУРСУНОВ,
О.БЕКМУРАДОВ,
Адлия вазирлиги ходимлари

Jinoyatga jazo muqarrar

Бурч ва

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ана шу ишларнинг саккизтаси амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган. Тўққизта иш бўйича суд ҳукми чиқарилиб, судланувчиларнинг тўрт нафарига жарима, бир нафарига эса, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Тўртта иш бўйича эса озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиб, Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган жазо шартлига алмаштирилган.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этсак. Бахмал туманидаги 32-автокорхона масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келган Э.Пардаев солиқ идораларига солиқ тўловлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш ҳамда белгиланган солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаш вазифасига совуққонлик билан қараган. У 2009 ва 2010 йиллар якуни бўйича тузилган ҳисоботларда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун соф тушумни камайтириб кўрсатган. Оқибатда 12 миллион 864 минг 500 сўмлик кўп миқдордаги солиқ тўловлари тўланмасдан қолган. Судланувчи Э.Пардаевнинг бурчга масъулиятсизлиги, солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлагани, давлат ва жамоа манфаатларига кўп миқдорда зарар етказгани Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланишига олиб келган.

Суд судланувчи Э.Пардаевнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, нафақа ёшида эканлиги, етказилган зарарни қоплаганлигини инобатга олиб, унга жарима жазоси тайинлади.

Оилали, етти нафар фарзанднинг отаси, муқаддам судланмаган, зарарни тўлиқ қоплаган шахсга қонунларимиз бағрикенглик қилди. Зеро, Жиноят кодексининг 184-моддасида қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилган кишиларга барча имкониятлар яратилган. Гап амалда белгилаб қўйилган тартиб-таомилга қатъий риоя этиб, қонун талабларидан четга чиқмай фаолият юритишда. Қонуний фаолият эса муваффақиятларни таъминлайди. Аммо навбатдаги «қаҳрамонимиз»нинг фаолиятида бунинг аксини кўриш мумкин. Гап шундаки, Р.Исломова 2008 йил 4 июль куни Жиззах тумани ҳокимлигидан хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, чакана савдо фаолиятини йўлга қўйган. Орадан тўрт ой ўтиб, яъни 2 декабр куни у яна туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилади.

Унинг бу галги мурожаати тадбиркорлик фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида эди. Аммо Р.Исломова фаолиятни расман тўхтатмасдан Солиқ кодексининг 373 ва 375-моддалари талабларига зид иш тутади. У 2008 йилнинг декабридан — 2011 йилнинг июль ойига қадар Б.Тўраевга тегишли махсус савдо дўконини ижарага олиб, ичимликлар савдоси билан шуғулланиб келади. Унинг қонунга зид фаолияти сабаб давлат бюджетига 8 миллион 56 минг 29 сўм даромад солиғи, 1 миллион 211 минг 40 сўм нафақа бадали учун тўлов тўланмасдан қолади.

Р.Исломова шу тариқа 9 миллион 267 минг 69 сўмлик кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Yangi qonun mohiyati

Оилавий тадбиркорлик

унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланган оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бири ёки уларнинг улушли ёхуд биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулки негизида ташкил этилади.

Оилавий корхонани ташкил этиш ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: оилавий корхона унинг иштирокчилари хоҳишига кўра, номуайян муддатга ташкил этилиши мумкин; оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилиши унинг юқори бошқарув органи ҳисобланади ва унинг ваколатларига оилавий корхонанинг асосий фаолият йўналишларини белгилаш, оилавий корхона бошлиғининг оилавий корхона фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботини кўриб чиқиш, оилавий корхонанинг фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бошқалар киради; оилавий корхонанинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган тақдирда уни қайта давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди; оилавий корхона кичик тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган соддалаштирилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади; оилавий корхонанинг устав фонди энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин. Корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларнинг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони **«Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги қарори билан тасдиқланган **«Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификацияси»**да белгиланган.

Оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақлари, мукофот ва компенсацияларининг шаклларини, тизимини ва миқдорини оилавий корхонанинг ўзи мустақил равишда қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди. Бундан ташқари оилавий корхонада иштирокчилар ва ёлланма ходимларнинг ишлаган вақти давлат ижтимоий суғуртаси билан таъминланади ва меҳнат дафтарчаси юритилади, оилавий корхонада ишлаган вақти унинг меҳнат стажига қўшилади.

Таъкидлаш керакки, ушбу янги қонун билан оилавий корхонани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари ҳам белгиланди. Хусусан, давлат идоралари фойдаланилмаётган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар оилавий корхона фоалиятида фойдаланиш учун ижарага берилишини, ишлаб чиқариш майдонлари қуриш учун оилавий корхонага ер ажратилишини, ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиши учун махсус жойлар берилишини таъминлашлари белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур қонуннинг 16-моддасига биноан, оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқий асосда тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди, бу ўз ўрнида оилавий корхонани қўшимча харажатлардан халос қилади ва вақтни тежайди.

Шуниндек, мазкур қонун орқали оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар тадбиқ этилиши белгиланди. Хусусан, қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, оилавий корхона ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланади, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади. Бундай буюмларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Бундан ташқари оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархининг пасайишига, маҳсулот ва хизматларнинг рақобатдошлиги ошишига, оилавий корхонанинг даромади кўпайишига хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу янги қонун орқали оилавий корхонага кредитлар беришда банклар, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафолат берувчи сифатида, шунингдек, тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам кафил бўлиши мумкинлиги белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, **«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»**ги қонун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли ҳисобланган оилавий тадбиркорликни мамлакатимизда янада ривожлантиришга, уларни ташкил этишни рағбатлантиришга ҳамда мамлакатимизда бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклининг яратилишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

С.ЖОЛДАСОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди



Mezon

Мерос олишга ким ҳақли?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Л.Петрова яшаб келган хонадон унга онаси В.Алиева томонидан қилинган ҳадя шартномасига асосан тегишли бўлган. Даъвогар А.Ибрагимов 2002 йил 20 декабрда мазкур уйга доимий рўйхатга ўтган. 1998 йил 22 апрелда эса, Л.Петрова давлат нотариал идораси орқали васиятнома расмийлаштириб, ўзига тегишли бўлган уйни фуқаро М.Ивановага васият қилиб қолдирган. 2003 йил 29 майда васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан уй М.Иванованинг эгалигига ўтган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги **«Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарорида мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига кириши ҳамда қариндошлик даражасига қараб, Фуқаролик кодексининг 1135-1138-моддалари талабига мувофиқ ворисликка чақирилиши, олдинги навбатдаги меросхўрларнинг бўлмаслиги, нолойиқ меросхўрларнинг меросдан четлаштирилгани ёки меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечганлиги тасдиқланган тақдирда, мерос олиш ҳуқуқи кейинги навбатдаги меросхўрларга ўтиши тушунтирилган.

Даъвогар А.Ибрагимов мерос қолдирувчи Л.Петрова билан қонуний никоҳда бўлмаганлиги сабабли қонун бўйича ворислар қаторига кирмайди ва қолаверса, мерос очилган вақтда у меҳнатга қобилиятсиз бўлмаган.

Бироқ А.Ибрагимов ўз даъво аризасида Л.Петрова билан 1985 йилдан токи унинг вафотига қадар бирга яшагани, низоли хонадонни таъмирлаш ва қўшимча иморатлар қуришга ўзининг маблағларини сарфлагани, шу сабабли хонадонга нисбатан ўзининг мулк ҳуқуқи вужудга келганини баён қилган. Аммо ишдаги мавжуд ҳужжатлардан кўринишича, Л.Петрова билан унинг собиқ турмуш ўртоғи И.Петровнинг қонуний никоҳи 1987 йилда бекор қилинган.

Бундан ташқари даъвогар шикоятида марҳума Л. Петрова васиятнома тузилган вақтда касалхонада даволанганини, васиятнома тузилган вақтда у касаллиги туфайли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган, уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлганлигини келтирган. Лекин Л.Петрованинг иш жойидаги 1998 йил март-июнь ойлари учун иш ҳақларини тўлаш ведомостлари ўрганиб чиқилганда, Л. Петрова 1998 йил март-июнь ойларида тўлиқ ҳолда ишлагани аниқланди.

Кўриниб турибдики, даъвогар ўзининг даъво талабида келтирган важларининг асослилигини тасдиқловчи далилларни судга тақдим қила олмади. Шу сабабли унинг даъвоси рад қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, васият, мерос билан боғлиқ муносабатларнинг қонуний асослари мавжуд бўлиб, уларни четлаб ўтишга, асоссиз равишда меросдан улуш олишга ҳеч ким ҳақли эмас. Юқоридаги ҳолатда ҳам даъвогар ушбу қонун-қоидалардан яхши хабардор бўлганида ортиқча оворагарчиликка ўрин қолмасди.

Наргиз ХАЛИЛОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Оила муҳофазаси — мамлакат равнақи ва тараққиётининг гарови

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу борада, айниқса, оналарнинг бурчи беқиёсдир. Онанинг энг олий хизмати шуки, фарзандларни дунёга келтириш билан бирга, унинг табиатига чинакам инсоний фазилатлар — меҳр, эзгуликни сингдиради, меҳру эътибор ва меҳнати билан унда инсоний фазилатларни шакллантиради.

Оила, фарзанд каби тушунчалар ҳар биримизнинг ҳаётимизнинг мазмуни ҳисобланади. Шу боис халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб, унда соғлом муҳит қарор топишига алоҳида эътибор қаратиб келган.

Ҳузур-ҳаловат, осойишталик, аҳиллик, ғамхўрлик, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, меҳр-оқибат, мурувват каби инсонга хос олижаноб туйғу ва фазилатлар оиладаги соғлом турмуш тарзидан бошланади. Оилани ҳар томонлама ривожлантириш мамлакат тинчлиги ва тараққиётининг гарови эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни тарбиялаш, уни турли-туман ёт таъсирлардан асраб-авайлаш, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказишда оила, шубҳасиз, муҳим ўрин тутади.

Оиладан бошланган меҳр-мурувват, тинчлик-осойишталик, қадр-қиммат, оқибатлилик, инсонпарварлик муносабатлари қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла, жамоатчилик ўртасидаги муносабатларда давом этади. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатяптики, ёшлар оила қуришдан аввал малакали, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган шифокорлар кўригидан ўтишлари оилалар мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Бу ҳам келиннинг, ҳам куёвнинг, қолаверса, жамият пойдевори ҳисобланмиш оиланинг эртанги куни учун муҳимдир.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ҳам асосий вазифаларидан бири — ёшларни оилага тайёрлаш, оилаларни мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу мақсадда «Оила қурувчилар мактаби»да ўтказилаётган учрашув, давра суҳбатларида ёшларга оилани эъзозлаш бўйича зарур сабоқлар берилмоқда. Зеро, оиланинг шарқона илдизларидан озиқланган ёшларимиз давр ва ҳаёт талабига мос комил инсон бўлиб вояга етади. Бинобарин, ҳар бир инсон ўз бурч ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда, ақлидроқ, ахлоқ-одоб, эзгулик, яхшилик, меҳр-мурувватни шиор қилса, фарзандларни ўз Ватанига садоқатли бўлишга ўргатса, ана шундай муҳит қарор топган оила жамиятнинг ҳақиқий таянчига айланади.

Фарида АБДУРАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси

масъулият

У Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, судга берилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги 1-сонли қарорининг 5-бандида **«Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак»**лиги қайд этилган.

Бундан ташқари мазкур қарорнинг 45-бандида Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдорнинг ўзи эгаллаб турган лавозими ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этгани суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ва ҳукмнинг қарор қисмида фаолият тури аниқ кўрсатилиши кераклиги раҳбарий кўрсатма сифатида берилган.

Суд мазкур раҳбарий кўрсатмаларига таяниб, Р.Исломова содир этган жиноятни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, деб ҳисоблади. Унга нисбатан икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини шартлига алмаштирди ва бир йил синов муддати белгилади. Судланувчидан тўланмай қолган 4 миллион 167 минг 69 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси ҳисобига ундириладиган бўлди.

Аслида инсонга бу дунёда хотиржамлик керак. Ана шу бебаҳо бойликни таъминлаш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Давлатимиз томонидан белгилаб қўйилган солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа тўловларни тўлаш орқали биз фуқаролик бурчимизни бажарган бўламиз. Шундай экан, ҳар биримиз зиммамиздаги бурч ва мажбуриятларни ўз вақтида бажаришимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Шуҳрат КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раиси вазифасини бажарувчи

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, ишга қабул қилишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

З.НОМОЗОВ,
Ғаллаорол тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Меҳнат кодексининг 80-моддасига асосан ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома;
- меҳнат дафтарчаси, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотнома;
- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча, ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома ёки бошқа тегишли ҳужжат.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Qilmish-qidirmish

Ёлғон яхшилик келтирмайди

Суд очерки

Инсоний фазилатлар орасида ростгўйлик алоҳида ажралиб туради, унинг зидди бўлган ёлғончилик эса, аксинча, доимо қоралаб келинади. Дарҳақиқат, ростгўй инсон барча ишда адолатга таянгани учун обрў-эътибор қозонгани каби ёлғончи кимса турли-туман баҳоналар, тутуриқсиз важ-карсонлар туфайли субутсиз бўлиб қолади. Масалан, самарқандлик Ботир Алимардонов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ҳам ёлғон гапиришни ўзига эп кўргани боис охир-оқибат пешонаси деворга тегди.

Маълумки, мустақиллигимиз шарофати билан юртдошларимизнинг саёҳат, савдо-сотиқ, зиёрат, ўқиш ёки ишлаш мақсадида хорижга чиқишлари учун барча имкониятлар яратилди. Жумладан, хорижга йўл олган ёки мамлакатимизга келаётган киши замонавий ва зарур қулайликларга эга транспорт воситалари, масалан, самолётлар хизматидан фойдаланади.

Муҳими, сафар давомида белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этиш лозим. Шу маънода ҳаво кемалари орқали саёҳатда бўлган кишилар «Т — 6» шаклдаги божхона баённомасини яхши билишади. Зотан, ушбу ҳужжатда йўловчилар ўзлари билан бирга олиб кетаётган ёки мамлакатимиз ҳудудига олиб кираётган ашёларнинг тўлиқ рўйхатини акс эттиришлари зарур.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, чунки у ўзидан ҳам зўр олим ва фозил борлигини билади.

* * *

Халқнинг муҳаббатини мол-у дунёнгиз билан эмас, одоб-у хушмуомалангиз билан қозонасиз.

* * *

Бир ишни тўлатўкис бажаришга ваъда бердингизми, албатта, бажаринг.

* * *

Дўстлик — ҳаёт зарурати, чунки умри гарчанд роҳат-фароғатда ўтса ҳамки, ҳеч ким ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди.

* * *

Одамни қобилияти учун эмас, балки ўша қобилиятидан қандай фойдалана билгани учун қадрлаш керак.

* * *

Қонун инсонийликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланади.

Munavvar lahzalar

Амир Темур хонадони

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Малика Туман оқа (1366 йилда туғилган — қачон вафот этгани номаълум)нинг Хайруннисо деган исми ҳам бор, Амир Темурнинг суюкли рафиқаси, Сароймулкхонимнинг тоғаси Амир Мусо билан Хўжанд ҳокими амир Боязид жалойир қизи Орзумулк оқаларнинг дилбанди. Айрим замонавий китобларда Амир Мусо Сароймулкхонимнинг акаси, деб ёзилади. Бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир Жета хони Туғлуқ Темурхон тарафидан қатл этилгандан сўнг унинг ҳарами ўша замон таомилига кўра, амирлар ўртасида тақсимланади. Соҳибжамол қизи Орзумулк оқа нуфузли Қарши амири Мусо чекига тушади. Туман оқа ўша никоҳдан туғилган.

Амир Темур милодий 1378 йилда Туман оқани ўз никоҳига олади. Туман оқа соҳибжамол, оқила ва зукко аёл эди, саройда Сароймулкхонимдан сўнг катта обрў-эътиборга эга бўлган. Низомиддин Шомий Туман оқа ҳақида ёзганда, ёнига «ўз асрининг Робиаси ва ўз даврининг Зубайдаси» деган сифатларни қўшиб қўяди. Амир Темур кўрку ҳуснда беназир бўлган Туман оқага атаб меҳр билан «Боғи биҳишт»ни барпо эттирган. Малика ана шу машҳур хос боғда яшаган.

Туман оқа бир неча сафарларда подшо уғруқ (карвон)ида Сароймулкхоним ва бошқа маликалар билан бирга Соҳибқиронга ҳамроҳлик қилган. 1390 йилда Амир Темур Тўхтамишхон билан жангга кетаётиб бетоб бўлиб қолганида унинг изидан Сароймулкхонимга ҳамроҳ бўлиб Тошкентга келган. 1392 йилда беш йиллик юришга бораётиб Амир Темур Бухоронинг Қоракўл мавзеига етганда Жўйи Зар деган жойда кутилмаганда хасталикка чалинади. Туман оқа ўшанда ҳам дарҳол Сароймулкхоним билан Жўйи Зарга етиб боради. Соҳибқирон авлодлари Мозандарондаги Шосмон деган жойда Наврўзни кутиб олишганда маликалар сафида Туман оқа ҳам бор эди.

Соҳибқирон Туман оқадан фарзанд кўрмаган, манбаларда бу ҳақда бирон-бир маълумот учрамайди.

Лекин Туман оқа момомиз кўп амирзодаларни, маликаларни тарбиялаб вояга етказган. Уларнинг ичида Пир Муҳаммад ибн Умаршайх, Муҳаммад Султоннинг ўғли Саъди Ваққос, Мироншоҳ Мирзо билан Хонзода хоним қизи Бека Султонлар бор.

Туман оқа ўз даврида кўп хайрия ишларини амалга оширган, Самарқанд ва Қусавия (ҳозирги Афғонистондаги Кўҳсанг)даги қурилишларга ҳомийлик қилган. Ўз маблағлари ҳисобига масжиду хонақоҳлар ва турли бинолар бунёд этдирган. Уларнинг ичида Шоҳизинда ансамбли таркибидаги Туман оқа мажмуасини (14-15 асрлар) айтиб ўтиш лозим. Мажмуада мақбара, масжид, ҳужралар ва чортоқ мавжуд бўлган. Ҳужрага кираверишдаги бир деворий ёзувда масжид Амир Мусо қизи Туман оқа томонидан қурилгани қайд этилган.

Туман оқа ҳамиша Сароймулкхоним ёнида, унга ёрдамчи бўлиб, хизматини қилган. Тарихчилар улар ҳақида ёзишганда, кўпинча исмларини ёнма-ён қўядилар. Соҳибқирон уни жуда ҳам ардоқларди.

Амир Темур вафоти юртнинг ҳам, маликаларнинг ҳам бошига оғир мусибат бўлиб тушди. Маликалар ҳаётига ҳам бесаранжомликлар кириб келди.

Соҳибқирон вафотидан кейин юз берган бошбошдоқликларнинг сабабчилари кўп. Ана шулардан бири Шайх Нуриддин бўлиб чиқди. Кўп ўтмай, милодий 1411 йилда Шайх Нуриддин Амир Шоҳмалик тарафидан ўлдирилади.

Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзо Туман оқани бағоят ҳурмат қилар ва доим назарда тутарди. Шоҳрух Мирзо Шайх Нуриддин ҳалок бўлгандан кейин итоат изҳор этган унинг биродари Шайх Ҳасанга талабнома юборади. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий шундай ёзади: «...Он-ҳазрат (унинг олдига) Тўкал чуҳрани жўнатиб: «Агар (бизга) эл бўлсанг, Туман оғони ҳузуримизга юбор!» — деб буюрди». (Абдураззоқ Самарқандий. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн». «Ўзбекистон», Т., 2008. 1-қисм. 215-бет). Кейинроқ худди шу саҳифада қуйидаги сўзлар бор: «Бир неча кундан кейин улуғ бону Тумон оғо етиб келиб, онҳазрат у бонуни улуғлашда иззат-ҳурмат шартларини адо этиб, Кусавия қасабасини суюрғол тарзида унинг ноибларига топширди». Ҳофизи Абрўнинг «Зубдат ут-таворих» асарида, Тумон оғони кутиб олишда Гавҳаршод бегим ва салтанатнинг бошқа нуфузли маликалари қатнашганлиги ёзилган. Ҳофизи Абрўнинг шоҳидлик беришича, Кусавия қасабасининг «мол ва мутаважжиҳоти» аслан Туман оқага Амир Темур томонидан, ҳали Соҳибқирон ҳаётлик вақтидаёқ суюрғол қилинган экан. Ҳофизи Абрў ушбу асарини ёзаётган вақтда, яъни 1428 йилда, работлар, хонақоҳлар ва мадрасалар каби хайрли иморатлар бунёд этилган бу манзилларда осойишталик ҳукм сурган, дориломон кунлар экан.

(Давоми бор)

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

Инсоният тарихида мислсиз ихтиролар, кашфиётлар билан бирга улкан йўқотишлар ҳам кўп бўлган. Масалан, ўттан асрнинг аввалида юз берган нохуш ҳодиса – ўз даврининг энг катта денгиз лайнери – афсонавий «Титаник»нинг уммон қаърига равон бўлгани, унинг бортидаги аксарият йўловчиларнинг ҳам бевақт ҳаётдан кўз юмгани ҳали-ҳамон кўпчиликнинг диққатини ўзига тортиб келади. Бу ҳақда жилд-жилд китоблар ёзилган. Бир қатор бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинган.

G'aroyib olam

«Титаник»нинг сирлари

Шунга қарамай, «Титаник» атрофидаги шов-шувлар, орадан бир аср ўтса-да, ҳалигача тўхтагани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири улкан денгиз лайнерининг ҳалокати сабаблари тўлиқ аниқланмагани билан изоҳланади. Шу боис тадқиқотчилар турли-туман тахминларни илгари суришмоқда.

Масалан, айримлар «Титаник» ҳалокатига «Фиръавнлар қарғиши» сабаб бўлган, дейишади. Маълумки, қадимги Миср фиръавнининг мўмиёланган жасадига яқинлашган, уни ўрганмоқчи бўлган аксарият кишилар бахтсизликка дуч келишган. Жасаднинг «Титаник» билан боғлиқлик жойи шундаки, кема йўловчиларидан бири — лорд Кентервилл Нью-Йоркка худди шундай мўмиёланган жасадлардан бирини музей экспонати сифатида олиб кетаётган эди.

Наҳотки, «Титаник» ана шу жасаднинг қарғишига учраган бўлса? Қанчалик ғайритабиий туюлмасин, бу тахминга ишонадиганлар ва уни ҳақиқат сифатида даъво қиладиганлар ҳам топилади.

Тадқиқотчи Робин Гарднер ва тарихчи Дан Ван дер Ватунинг фикри бутунлай бошқача. Улар нақ ярим аср мобайнида «Титаник» билан боғлиқ архив ҳужжатларини обдон ўрганишди. Ва... ҳалокатга учраган «Титаник» эмас, «Олимпик» кемаси, деган хулосага келишди!

Гап шундаки, «Олимпик» ҳам «Титаник» билан деярли бир пайтда қурилган эди. Аммо бу кема сузишни бошлаган биринчи куниданоқ турли нохушликларга учрай бошлайди. Масалан, 1910 йилнинг 20 октябрида уммонга туширилган «Олимпик» тўғонга келиб урилади. Натижада «Олимпик» хўжайинлари Брюс Исмей ва лорд Пиррилар уни таъмирлаш ва етказилган зарарни қоплаш учун анча-мунча харажат қилишади ва охир-оқибат деярли инқирозга учрайдилар. Сузиш давомида «Олимпик» ҳадеб ҳалокатга учрайвергани учун бирорта ҳам компания бу кемани суғурта қилишни истамайди. Ана шунда Исмей ва Пирри бир фитна ўйлаб топишади. Улар «Олимпик»ни «Титаник» номи билан Атлантика океанида сузиши ва ҳалокатга учраши, кейин эса, суғурта сифатида «Титаник» учун ажратилган 52 миллион фунт стерлинг миқдоридаги суғурта пулини олишни режалаштирадилар.

«Олимпик»нинг ҳар иккала хўжайини уларнинг режаси муваффақиятли амалга ошишига ишончи комил эди. Улар кемада сузиши лозим бўлган йўловчилар ҳаётини хавф остида қолдирмаслик учун кема маршрути бўйича яна бир бошқа кема жўнатишлари ва бу кема «тасодифан» фожиага яқин жойдан ўтиб қолиши ҳамда экипаж аъзолари ва йўловчиларни қутқариши керак эди. Аммо атрофдагиларда ортиқча шубҳа уйғотмаслик учун бу кема сохта «Титаник»нинг изидан бир ҳафта ўтгач, йўлга чиқиши лозим эди.

Бироқ бор-йўғи уч кун ўтгач...

Дарвоқе, сохта «Титаник»ни «Олимпик»нинг биринчи капитани Эдуард Ж.Смит бошқарар ва у ўта итоатгўй одам эди. Капитан фожиа юз беришидан бир неча соат илгари барча навбатчи кузатувчиларга дурбинларини ўзига топширишни буюради. Ҳалокатдан бир неча дақиқа илгари эса, Смит лайнер бортини айсберг-музқоя томон буришга буйруқ беради. Хулас, Смит ҳалокатнинг муқаррар рўй беришини таъминлайди.

«Титаник», аниқроғи, сохта «Титаник»нинг кейинги тақдири эса ҳаммага маълум.

Хўш, ҳақиқий «Титаник»-чи? Гарднер ва Ван дер Ват фикрича, бу кема бутунлай бошқа ном билан Қиролликнинг денгиз кучлари таркибида анчагача хизмат қилади. Кейин уни «Уайт Стар Лайн» сотиб олади. Фақат 1935 йилдагина кема қирғоққа келтирилиб, рўйхатдан чиқарилади.

Тадқиқотчиларнинг бу фикрига ҳам ишонадиганлар бор, аммо кўпчилик ҳалиҳамон ҳалокатга учраган «Титаник»ни «Олимпик» эмас, айнан «Титаник» сифатида билишади.

Афсуски, улкан кема ҳалокати бир ярим мингдан зиёд кишининг ўлимига сабаб бўлди. Одатда, денгиз транспортида турли хил кутилмаган ҳодисалар юз берган пайтда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун муқобил чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, зарур воситалар ҳозирланади. Аммо «Титаник»нинг аксарият йўловчилари бундай имкониятга эга бўлишмаган. Айни масала ҳам тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келади. Қолаверса, «Титаник» кемаси сузишга чиқишига бир неча соат қолганда 55 нафар йўловчи турли сабаблар билан чипталарини қайтариб топширади. «Титаник»да сузишдан зудлиқда воз кечганлар орасида «Уайт Стар Лайн» компаниясининг эгаси Жон Пиррант Морган ва Генри Фрик, АҚШнинг Франциядаги элчиси Роберт Бэкон, миллионер Жон Вандебильтлар ҳам бор эди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, улар «Титаник»нинг ҳалокатидан хабардормиди?

Аммо энг ҳайратланарлиси, айрим оддий фуқароларнинг ҳам бу фожиани олдиндан сезганига нима дейсиз? Уларнинг кўпчилиги саёҳатдан олдин «Титаник»нинг қандай ғарқ бўлишини тушларида кўрган ва бу ҳақда ўз яқинларига гапириб ҳам беришган экан.

Айтишларича, 1992 йилнинг 14 декабрида Шимолий Атлантика океанидаги норвегиялик балиқчилар тўсатдан қаршиларидан улкан кема сузиб келаётганини кўриб қоладилар. Бу кема палубасидаги одамлар у ёқдан-бу ёққа зир югурар, ёрдамга чақиришар, кўпчилиги эса, ўзини ваҳима билан сувга отарди. Бир неча дақиқадан кейин улкан кема сув остига чўкиб, ғойиб бўлади. Балиқчилар дарҳол АҚШ денгиз ҳарбий кучлари штабига радиограмма жўнатишади. Кўп ўтмай воқеа жойига ҳарбий кема етиб келади. Сувдан қутқарув жилетларига «Титаник» деб ёзилган 13 нафар одам қутқариб олинади. Қутқарилганларнинг барчаси хотирасини йўқотган эди. Бу одамларнинг ташқи кўриниши ҳужжатдаги қайдларга мос келарди.

* * *

Кўриниб турибдики, «Титаник» кемасининг ҳалокатга учраши сабаблари туманли, бу борадаги тахминлар турли-туман, баъзида бир-бирини инкор ҳам этади. Айрим тадқиқотчилар эса, масаланинг моҳиятига етишдан кўра худди шов-шув кўтаришга ишқибозга ўхшайди. Ҳолбуки, «Титаник» фожиаси, у билан бирга сувга ғарқ бўлган бир ярим мингдан ортиқ кишининг ҳаётга тўймай кетган кўзлари бизни сабоқ чиқаришга ундамоғи лозим. Тарихни ўрганишнинг моҳияти ҳам аслида ана шунда.

Дилфуза ЎРОЛ қизи

Qilmish-qidirmish

Ёлғон яхшилик келтирмайди

Мамлакатимиз ҳудудига четдан товар олиб киришнинг тартиб-таомили қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Товарнинг божхона назоратидан ўтказилгани, декларация тўлдирилгани, белгиланган божхона тўлови амалга оширилгани ана шу қонун талаблари сирасига киради. Агар ушбу қоидаларга риоя қилинмаса, табиийки, оқибати яхшилик билан якун топмайди. Қуйида баён этиладиган воқеалар ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Ботир Алимардонов ҳам бу баённомани жуда яхши билади, қолаверса, баённомада кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқатга мослиги аввал оғзаки тарзда тасдиқланиб, сўнг божхона назорати тартибларига кўра, махсус аппарат орқали жиддий текширувдан ўтказилишидан ҳам хабардор. Чунки Ботир 2009 йил ноябрь ойида ишлаш учун АҚШга борган эди. Ўтган вақт мобайнида бир неча марта уйига келиб-кетди.

Илк қиғир ният унинг миясида ўшанда туғилганди. Гап шундаки, Ботир Бруклен штатида арзонлаштирилган нархда бир қанча уяли алоқа аппаратларини сотиб олган бўлиб, энди ана шу товарларни мамлакатимизга олиб келишни ўйлади. «Агар Ўзбекистонга олиб борсам, кўп фойда оламан, — деб ўйлади у 13 дона «IPHON 4S», 2 дона «IPHON 4», 1 дона «Nokia N95», 1 дона «Nokia N8» русумли қўл телефонлари ва 1 дона «IPAD» русумли плейерни сумкасининг остига — кийимлари орасига кўринмайдиган қилиб жойларкан. — Фақат назоратчиларга кўрсатмаслик керак, йўқса, бож тўловларини тўлашимга тўғри келади».

Тошкент аэропортида «Нью-Йорк — Рига — Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган самолёт йўловчилари ва уларнинг юкларини рўйхатдан ўтказиш жараёнида Ботир Алимардонов божхона нозирига ўзи билан 2 та уяли телефон, 10 дона ўйинчоқ, 1 дона телевизор, 1 дона DVD, 2 та компьютер, 1 та «SONY Playstation» ва 671 АҚШ долларини олиб кираётганини айтиб, бу маълумотларни божхона баённомасида ҳам акс эттирди.

— Ёнингизда баённомада кўрсатилмаган чет эл валюталари, қимматбаҳо буюмлар ёки олиб ўтилиши тақиқланган бошқа ашёлар йўқми? — деб сўради ундан нозир.

— Нималар деяпсиз, самолётда биринчи марта учишим эмас, — деб баланддан келмоқчи бўлди Ботир.

Хуллас, Ботир Алимардонов ўзини ҳар қанча ботир тутишга уринмасин, унга тегишли қўл юклари махсус ускуна орқали текширилганда «Т — 6» шаклли божхона баённомасида кўрсатилмаган, юқорида санаб ўтилган буюмлар фош этилди. Суд-экспертиза маркази томонидан ушбу уяли алоқа воситаларининг умумий қиймати 44.354.000 сўм эканлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди томонидан Б.Алимардонов Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, унга нисбатан ушбу кодекснинг 57-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди. У яширинча олиб ўтмоқчи бўлган ашёлар эса, давлат эгалигига мусодара қилинди.

Дарҳақиқат, кўпни кўрган кексалар «Ёлғончининг бири икки бўлмайди», деб бежиз айтишмайди. Ўзининг қиғир ниятига етиш учун турли-туман баҳоналар ўйлаб топадиган, ҳар хил важ-карсонларни тўқиб ташлашдан уялмайдиган кимсалар охир-оқибат ишончни йўқотиб, эл орасида «субутсиз кимса» деган тамға орттиради. Ботир Алимардонов ҳам ёлғон гапириб шундай қўйга тушди. Ҳолбуки, обрў-эътиборни, ҳурмат-иззатни, меҳр-оқибатни, ишончни сотиб олиб бўлмайди, бунга тўғрилик, самимийлик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар билан эришилади. Шу маънода ростгўйликни ўзларига мезон қилиб олган, ҳар бир ишга виждонан ёндошадиган инсонларнинг ҳаёти ҳамма учун ибратдир.

Мурод АЛИМУҲАМЕДОВ,
жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг раиси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист

Saboq

Тўғриликнинг ҳикмати кўп

эгри йўл эса юзни шувут қилади

Олимжон ўзининг «КаМАЗ» русумли юк машинасида Жиззах вилоятидан Самарқанд шаҳри бозорларига деҳқонларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб келарди. У бир сафар Самарқанд шаҳрига борганида Жамшид билан танишиб қолди-ю, қисқа вақт ичида катта пул топиш илинжида ўзини хатарга урди.

Жамшидга товуқ гўшти керак экан. Олимжон эса, унга Сирдарёнинг Боёвут туманида Баҳром исмли таниши қўшни юртдан товуқ гўшти олиб келиб сотишини, агар кира ҳақидан қочмаса, бу ишни ҳал қилажагини айтди. Бир ҳафтадан сўнг у Жамшидга маҳсулот тайёр экани ҳақидаги хабарни етказди.

Жамшид эса, Олимжонга буюртмани Самарқанд шаҳрига келтириб берса, хизмат ҳақи учун бир миллион сўм беришни ваъда қилди. Нари борса, бир кунда бир миллион сўм ишлаб олиш дарагини эшитган О.Ҳожиев ёнига таниши Бегимқул Эрматовни олиб, манзил сари отланади.

Аслида ноқонуний маҳсулот эгаси бўлган Баҳромнинг иш тутуми қонунга хилоф эди. У республикамиз ҳудудига товар олиб киришнинг амалдаги тартибини қўпол тарзда бузган, айланма йўллар орқали божхона назоратини четлаб ўтиб декларациясиз 32 миллион 230 сўмлик маҳсулотни чекка қишлоқлардан биридаги ҳовлига келтириб туширганди. Жамшид Баҳромга учрашиб ҳисоб-китоблари тўғри бўлгач, бу ҳақда Олимжонга қўнғироқ қилишади.

Баъзи кимсалар осон йўл билан катта бойлик топиш илинжида ўзини ўтга, сувга уришдан тоймайди. Ноқонуний ҳаракати қачондир фош бўлиши тўғрисида ўйлаб ҳам кўришмайди. Масаланинг яна бир нозик томони ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, инсоннинг ҳаёти ва сиҳат-саломатлигига ҳеч нарсани тенглаштириб бўлмайди. Айтмоқчимизки, четдан келтирилган маҳсулот тегишли назоратдан ўтказилмасдан сотувга чиқарилса ва у истеъмолга яроқсиз бўлса...

Яхшиямки, Жиззах тумани ҳудудидаги чойхоналардан бирининг олдига келиб тўхтаган «КаМАЗ» русумли юк машинаси тегишли идора ходимларининг назаридан четда қолмади. Автомашина юкхонаси холислар иштирокида текшириб кўрилганда, унда ноқонуний равишда хориждан олиб ўтилган товуқ гўшти маҳсулотлари борлиги аниқланди. Маҳсулотлар ҳужжатлаштирилиб, 5 минг 205 килограмм товуқ гўшти ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Шундан сўнг судда О.Ҳожиев ва Б.Эрматовнинг жиноий қилмиши мазмунан кўрилди. Улар терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Жамшид, Баҳром исмли шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, жуда кўп миқдорда – 32 миллион 230 минг сўмлик 5 минг 205 килограмм товуқ сон гўштини божхона назоратини четлаб, божхона қонун ҳужжатларини бузиб Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир қилишган. Суд О.Ҳожиевни юқоридаги модда билан айбли топиб, унга беш йилга озодликдан маҳрум қилиш, судланувчи Б.Эрматовга эса, ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш йўли билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Шунингдек, судда жиноят қуроли деб топилган 12 миллион 500 минг сўмлик «КаМАЗ-5320» русумли юк автомашинаси давлат эгалигига ўтказилди.

Судланувчи О.Ҳожиев билан Б.Эрматовнинг бошларига тушган кўргуликка бошқалар эмас, ўзлари сабабчи. Агар улар нафс қутқусига учмай ҳалол яшашганда бундай ташвишларга рўбарў бўлмасди.

Юқоридаги воқеаларни келтиришдан мақсад кимнингдир қилмишини элга достон қилиш эмас. Балки ушбу воқеа яна кимларгадир сабоқ, бу тарздаги жиноятдан тийилишга мактаб бўлиши керак. Чунки тўғри йўл ҳам манзилга, ҳам хайрли мақсадга етказади. Ана шу фикрни ҳамиша идрок этиб, унга амал қилиб яшаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Жаҳонгир ТУРҒУНБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-516. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6734.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰.